

Жаҳон модерн адабиётининг бадиий-эстетик тажрибалари асосида ўтган асрнинг тўксонинчи йилларидан бошлаб, ўзбек модерн поэмаларининг ўзига хос тизими вужудга келди. Уларда жаҳон модерн адабиётининг кўпгина белгилари мавжудлиги кўзга ташланади. Зоро, XX аср бошларида Европада юзага келган модерн адабиёт ўзбек поэмалари табиатига хам таъсир кўрсатмай колмади. Унинг таъсирида ўзбек поэмалари мазмунан ва шаклан янгилана бошлади. Ўзбек поэмачилигидаги модернистик янгиланишлар кўпроқ шоирларнинг янгича, ноанъанавий изланишлари мисолида намоён бўлаётир. Буни, асосан, куйидагиларда ўз аксини топган дейиш мумкин:

- 1) Каҳрамон талкинида ва асарнинг гоявий-услубий йўналишида;
- 2) Асар композициясида;
- 3) Асарнинг поэтик синтаксисида.

Кўринадики, жаҳон поэмачилиги бадиий-эстетик тажрибалари икки йўналишда: жаҳон поэмачилиги намуналарининг ўзбек тилига ўғирилиши ва жаҳон модерн адабиёти ютукларидан ўрганиш натижасида намоён бўлганилиги кузатилади.

Давр поэмачилигига модерн поэмаларнинг ўзига хос намуналари яратилди. Уларда шоирлар жамият, турмуш вокеликларидан кўра кўпроқ инсон ички оламининг рухий тўлгамларини, кўнгил сирларини ифодалашга берила бошладилар. (Масалан, Икром Отамуроднинг “Ичкари, ташкари” поэмасида шоир ўз нигохини ташкаридаги муаммолардан олиб, ичкарига – ботинга каратади.) Айникса, XX асрнинг иккинчи ярми хамда XXI аср бошларида яратилган поэмаларда аста-секин субъективизм – кўнгил рози ошиб бораётганлиги кўзга ташланади. Таникли адабиётшунос Умарали Норматов бунинг сабабини: “Бизда модерн адабиётнинг оким тусини олиш жараёни миллий ўзликни англаш, миллий-диний кадриятларни тиклаш, жумладан, тасаввуф фалсафаси, адабиётига кизикиш гоят кучайган бир даврга тўгри келди”, дея изохлайди. Бундай поэмаларда, кўпинча, “адашган, алданган, бехуда, самарасиз меҳнат-фаолиятга, маънисиз кисматга мубтало этилган шахснинг фожиасини очиб бериш, кутилмаган томонлардан ўзига хос тарзда бадиий тахлил этишга интилиш кузатилади. Натижада, поэмаларда хам абсурд гояси ва абсурд каҳрамонни эслатадиган персонажлар” пайдо бўла бошлади. Жумладан, Икром Отамуроднинг “Ёбондаги ёлгиз дарахт” поэмасида дарахтга эрмак учун бесабаб ўт кўйиб ўтган Йўловчи, Наби Жалолиддиннинг “Чиптасиз одамлар” асарида кун бўйи оғир меҳнат килиб топган чойчакасига факат гул сотиб оладиган Фаррош образлари бунга мисол бўла олади. Колаверса, бу асарларда ёлгизликка, жамиятдан, одамлардан кочишга интилиш гояси ифода этилиши янгича бир тарзда давом эттирилган.

Модерн поэмаларда адабиётнинг оғзаки, мумтоз, жаҳон тажрибаларидан янгича услубий шаклларда фойдаланила бошланди. Масалан, Салим Ашурнинг “Атиргул” поэмасида анъанавий, халкона рух – охангга йўғрилган сатрларда кад ростлаб турган лирик каҳрамон гавдаланади. Бирок унинг табиат ходисаларини кўриш, кузатиш ва идрок этиш тарзи ўзига хос янгича эканлиги кузатилади. Жумладан:

Хазон-яфроклардан ўчок ясадим,  
Шеърларим ёзилган дафтардан ўтин...

“Сунбула” халк кўшигидаги мажозга кўра, лирик каҳрамон “когоздан ўчок ясаб, гулдан ўтин килишга” чоғланган бўлса, Салим Ашурнинг “Атиргул” поэмаси каҳрамони “хазон-яфроклардан ўчок ясаб, унга шеър ёзилган дафтари ни ўтин килишга” чоғланаётир. Хар иккала шеърий асарни бирлаштириб турган жихат эса, улардаги мазмуний якинликдир. Чунки иккала шеърий асарда хам ўз ёрига етолмаган ошик дарди куйланмокда.

Салим Ашурнинг “Атиргул” поэмасида, айникса, ноанъанавий ташбехлар кўп учрайди:

Тишларингдан ўқ яса,  
Холларингдан тош-тош.

Маълумки, мумтоз шеъриятда киприкни ўкка, холни эса “кора куш” ёки “кора хинду бачча”га менгзаш муайян анъана сифатида кўзга ташланиб келган. Салим Ашур шу анъана рухини саклаган холда, уни янгича (модерн) идрок билан ифода этишга уринган. У асарида киприкни эмас, балки тишни ўкка, холни тошга ўхшатаётир. Бу билан унинг янада чукуррок ва кенгрок фикр юритаётганлигини англаш мумкин. Чунки у бу оркали ёрнинг ўзига ярашиб турган кадрли кора холини мукаддас кора тош каби суюкли ва ардокли дейишга чоғланганилигига шубха йўқ.

Мумтоз шеъриятда ёрнинг лаби, асосан, ёкут ва инжуга ўхшатилган бўлса, Салим Ашурнинг “Атиргул” достонида унинг тўлкинга ўхшатилганлиги кузатилади:

Кўзлари охуники,  
Лаблари – икки тўлкин.  
Шу киз насиб бўлмаса,  
Жон нимта-нимта бўлсин.

Салим Ашур ушбу поэмасида анъанавий образларни баъзан ана шундай ўзгаришлар билан, баъзан эса айнан саклашга харакат килади:

Симлар кокишимни такиклаб кўйдинг,  
Хатлар ёзишимни ман этдинг мутлок.

Мен эса ит каби атрофингдаман,  
Якин боролмайман, кетолмай узок.

Ошик ўз холатини итга менгзashi мумтоз шеърият учун анъанавий эди. Кўриняптики, бу анъана хозиргача сакланиб келаётир.

Хуллас, шоирнинг анъана доирасида, анъана заминида туриб, модернистик ташбехларга интилаётганлигини кузатиш мумкин.

Маълумки, мумтоз шеъриятда инсон калби кўпинча кўза рамзида берилади. Икром Отамуроднинг “Сопол синиклари” поэмасида шу рамзнинг ўз мантикий параллели билан

ёнма-ён келтирилганлигини кўриш мумкин:

Синик кўза...  
Синик кўнгил...  
Дўппайган кабр...  
Нимжон нихол...

Бу мисраларда мантикан параллел образлар каршилантириш асосида ёнма-ён келтирилмоқда. Чунки модерн поэмаларнинг мухим белгиси шуки, уларда шоир дунёни янгича нигоҳ билан тафтиш килади. Уни бутун мураккабликларию фожиалари, яхши ва ёмон томонлари билан тасвирилашга интилади. Шунинг учун уларда каршилантириш санъати кўпинча композицион асос бўлиб кўринади. Шу майл билан шоир ўз асов туйгуларини шеърий нуткка жойлаштирумокчи бўлади.

“Сопол синиклари”да кўп таркибли, мураккаб, уюшган хамда янгича мазмундаги сифатлашлар учрайди:

Ўртаб кетди суйгули,  
бир гули,  
юз гули,  
минг гули,  
азиз гули,  
эрка гули,  
чин гули

Бу каби мазмунан оддийдан мураккабга, пастдан юкорига ривожланиб борган уюшик эпитетлар оркали ижодкор тасвирийликни орттиришга уринади. Модерн поэмаларда бир ходиса бошка бир ходиса номи билан (метафора, истиора, метонимия, рамз кабилар воситасида) ифода этилади. Уларда шоир кўпинча ўз фикр-туйгусини рамзлар воситасида баён этади. Шунинг учун бундай поэмалар, одатда, мураккаб баён услугига эга бўлади. Улардаги рамзлар туфайли, асар тилини бирдан тушуниш кийинчилик тугдиради. Уни тушуниш учун баъзида ўкувчи аклий зўришишга дуч келади. Шундай холатда поэмаларда ички нутк (монолог)нинг икки хил кўриниши кўлланади:

- 1) Ўз-ўзига каратилган нутк: сўзловчининг ўзига, бошка кишига, хар хил ходисаларга каратилган ички нутки ёки нуткий муносабати.
- 2) Ўкувчига каратилган очик нутк. Бундай нутк кўринишлари ифода этилган синтактик курилмалар кўпинча мурожаат килиш, маслаҳат бериш, даъватлантириш, ундаш, огохлантириш, лаънатлаш ва хоказо сингари мазмунда келиши билан эътиборни тортади.

Ички нуткда илм излаш, хулоса чикаришга интилиш характерлидир:

Билдим, аъзои баданим хаёт ширасидан.

Хамширам – турна,

Кондошим – жайрон,

Жигарим – аргувон.

Хоку туробданман, иним – кумурска, огам – от,

Билдим – одамийзодман,

Одамийзод.

Абдували Кутбиддиннинг “Изохсиз лугат” достонидан олинган бу мисралар оркали инсоннинг хамиша ўз-ўзини англаш учун илм излашга интилганлиги очиб берилаётир.

Модерн поэмаларда лирик қаҳрамоннинг рухий холати тасвирига кенг ўрин ажратилиши сабаб, уларнинг бадиий курилмасида ички монолог, ички рухий тахлил, рух билан ёки сурат билан сухбат каби усувлардан кўпроқ фойдаланилади. Уларда муаллифнинг ўз-ўзи, бошка киши ёки ташки олам, табиат ходисалари билан сухбатида фикрнинг иккинчи шахсга қаратилган бўлиши, мурожаат, ишонтириш, даъват, савол-жавоб мазмуни етакчилик килади. Бунда ўз-ўзига мурожаатнинг баъзан иккинчи шахсга ёки, аксинча, иккинчи шахсдан бирданига учинчи шахсга ё учинчи шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши мумкин. Бунга “Сопол синиклари” поэмасидаги мисралар мисол бўла олади:

Мен – муайян шакл...

Сен – кутувчи....

Мен – кутувчи....

Сен – кутиловчи...

Мазкур поэманинг кейинги мисраларида бирданига “у” хакда фикр юритила бошланади, яъни нутк қаратилган шахс ўзгаради. Энди бу нутк ўзга(лар)га қаратилаётганлиги сезилади:

Сен унга интил, йўлида илхак,

у – фурсат,

у – лахза,

у – бир он.

Сўзловчининг хис-хаяжони, хохиш-истаги, вокеликка баҳоси, ижобий ёки салбий муносабати талкин этилади. Шунга кўра, бу холатни ифода этувчи синтактик қурилмалар таркибида бош ва иккинчи даражали гап бўлаклари билан грамматик жихатдан боғлана олмаса-да, гапнинг мазмунини кучайтиришга хизмат килувчи хис-хаяжон ундовлари, ижобий ёки салбий оттенкага эга услубий бирликлар учраши табиий хол саналади.

Модерн поэмаларда кўпинчча кўрсатиш олмоши ва ўрин ёки пайт ҳолларининг анафора

килиб келтирилиши кузатилади. Албатта, бу хам тасодифий эмас. Бу билан, аслида, талкин килинаётган ёки тасвирланаётган вокеликнинг хакикат эканлигига ўкувчини ишонтириш, уни таъкидлаш максадига эришиш кўзда тутилади:

шунчаки ўткинчи ходислар,  
шунчаки югурик гаплар,  
шунчаки кун ўтиши,  
шунчаки майшат, хушлик...

“Сопол синиклари” поэмасидан олинган бу мисраларда “шунчаки” кўрсатиш олмоши анафора вазифасида майдонга чикиб, матнинг тугал поэтик нутк сифатида бирлашиб туришини таъминловчи мухим воситага айланган. Шу билан бирга, у шоирнинг кузатувчанлик позициясини, вокеликка эмоционал муносабатини билиб олишда хам восита вазифасини ўтаётир.

Наби Жалолиддиннинг “Чиптасиз одамлар” поэмасидан келтирилган куйидаги парчани тез тушуниш учун ўкувчи, аввало, адабиётда асрлардан бўён рамзий мохият касб этиб келаётган “ой”, “шоҳ”, “хой”, “оҳ”, “ошиқ”, “ўклов”, “ишқ”, “ов” рамзларини билиши зарур. Акс холда, у мисралар мохиятини тўлиқ англай олмайди. Натижада, поэма мазмуни хам унга тўла-тўқис тушунарли бўлмайди.

Шаркнинг пешонасида ойи бор,  
Гарбнинг бошида шохи.  
Гарбнинг бир буюк хойи бор,  
Шаркнинг бўғизида охи.  
Хойи ойига ошиқ,  
Шохи охига ўклов.  
Бу буюк ишқ,  
Ёвуз ишқ,  
Мудом тугамаган ов.

Агар ўкувчи шоир кўллаган рамзларнинг мохиятини тўлиқ англаб етса, хатто у шоир айтмокчи бўлган фикрдан кўра хам кўпроқ фикрни идрок этади. Эътиборли жихати шундаки, ушбу асарда аллитерациянинг янгича кўринишидан фойдаланилган:

Яна ким билади?..  
Биладир...  
Бир чимдим умрга ишонган.  
Ёки яна:  
Кўзларинг йўқ,

Йўқ эди сенинг,  
Иигирманчи аср.

Кўриняптики, бу шеърий парчаларда аллитерацияни хосил килаётган “б” хамда “й” харфлари биринчи мисрани якунловчи ва иккинчию учинчи мисрани бошловчи сўзларнинг ilk харфи сифатида келяпти.

Модерн поэмаларда нафакат кофия ва вазндан, балки тиниш белгиларидан хам воз кечишига уриниш пайдо бўлди. Тиниш белгиларидан воз кечилган шеърий сатрларда асов рух хукмронлиги сезилади. Масалан, Аскар Махкамнинг “Ишқ” поэмасида учрайдиган куйидаги сатрлар бу жихатдан эътиборни тортади:

(Эй дил менга оғир килдинг диллик килдинг  
Эй дил мени сагир киб бедиллик килдинг  
Эй дил нима сўрдинг бердим бердим тамом  
Эй дил охир кимга бандачилик килдинг  
Эй дил мен “тан тахтаси”дан кечай девдим  
Эй дил танни тахта бирла тилик килдинг)

Бунда “Эй дил” такори бир пайтнинг ўзида хам риторик мурожаат, хам анафора вазифасини адо этмоқда. Бирок шоир деярли зарур тиниш белгиларини кўлламаган. Шунга карамай, ундан мурожаат мазмунини англаш мумкин. Колаверса, юкоридаги сатрлар кавс ичида берилган. Демак, шоир асосий поэтик фикрга изоҳ сифатида киритмадан, аникроги, кириш гапдан фойдаланган.

Модерн поэмаларда бир сўзни такрор келтириш (кўпинча уч марта) кўп кўзга ташланади. Маълумки, сўзлар такрори ўзига хос ритмни, охангни пайдо килади. Улар кўмагида эса шеърни вужудга келтирган кечинмани чукуррок хис килиш, унинг мазмунини етарлича тушуниш имкони тугилади. Бу холат, айникса, Икром Отамуроднинг “Сопол синиклари” поэмасида ёркин акс этган:

...макондан-маконга кўчиш...  
ондан-онга кўчиш...  
рухдан-рухга кўчиш...  
кўчиш...  
кўчиш...  
кўчиш...

Шоир ўз танасига сигмаган кучли рух сохиби. Шунинг учун унинг поэмаларида рухий исён, рухий хўрсиник ички чизги ва ранг ўзаро мужассамлашиб, туйгулар драматизмини вужудга келтирган.

Хуллас, модернизм вокеликни бадиий акс эттиришнинг ўзига хос усули бўлиб, унга мувофик мухим жихатлар XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида яратилган поэмаларда каҳрамонларни, фикрни маълум бир белгилар оркали ифода этишда ёркин кузатилади. Айни жараён миллий поэмаларимизнинг мазмунан ва шаклан хамда услубий жихатдан янгиланишига хизмат килган.